

Инсон моддий ва маънавий фаолиятининг табиатига, айти табиатнинг токатига дохил бўлмаган ҳеч бир образ, образлилик йўқ. Бирок образларни талкинлаш эҳтиёжи, зарурияти, мавзулар оламидаги уларнинг имконият доираси, эътиборталаблик куввати, яшовчанлик меъёри, табиийки, бир хил эмас. Бу нарсалар образларнинг инсон моҳиятига нечоғлик туташлиги, пайваस्ताлигига, адабиёт ахлининг ҳам идрокий ахволига боғлиқ.

Инсоният бор – дунёга, ундаги махлуқот, мавжудот, набототга хайратли, эстетик боқиш бор. Адабий-мантийки тафаккурлаш бор – сўз санъати йўли билан асл хақиқатларни таъсирчан етказиш воситаларини, поэтик образларни ижод этиш ёки мавжудларини қайта янгилаш жилолантириш бор.

Мавзу ёхуд образ деган тушунчалар камровига сигмовчи, ижодиёт ҳамда унга доир илмларнинг ҳамма масалаларига дахлдорлик касб этувчи, барқарор ва муқаррар яшовчи поэтик тамойиллардан бири ва балки энг кўламдори, бадиий мартабаси энг юксаги “нафс”дир.

Нафснинг одам қадру қимматини, иймону эътиқодини белгиловчилик роли, инсондаги синовчилик микёслари, ҳаммининг диққат марказидаги мартабаси, довриги барча замон, маконларда ниҳоятда баланд бўлган. Доим шундай бўлиб қолади. Изланган ҳамма сабаблар, содир бўлган ҳолат-ҳодисалар, юзага чиққан-чиқмаган оқибатлар, тўғри деб ўйланган ўлчов-меzonлар унга – нафсга бориб такалаверади. Нега шундай? Бунинг инсон билиши мумкин бўлган даражадаги хақиқатидан эса факат ҳақ таълимот хабарлари орқалигина етарлича оғох бўламан.

Муомала-муносабатда вазиятлар такозасига қараб “руҳ”, “қалб”, “юррак”, “дил”, “қўнғил”, “виждон”, “диёнат”, “ният” сингари сўзлар “нафс” ўрнида ёки ўзаро бир-бирлари ўрнида қўлланавермоғи мумкин. Аммо Қуръони Қаримда мазкур тушунчалардан ўта машхурлари саналмиш “қалб” ва “руҳ”га қараганда ҳам айнан “нафс” сўзи қўп мартаба келади. Ҳақ таълимот инсонни жасад ила нафсдан тарқиб топган, деб таълим беради. Шу қатта хақиқатнинг ўзиёқ нафс мавқеининг бошқа унга маънодош тушунчалардан юқори туришлигига, жуда қўп маъноларни ўзида мужассам этишлигига, муҳими, синов қилиб берилган илохий неъмат эканлигига далолат қилади. Жасад моддийдир ва у моддий, яъни вужуддаги қўз ила қўрилади. Нафс эса асл хақиқати Аллохнинг Ўзигагина маълум латиф, руҳоний нарсодир. У ва унга мантқан яқин тушунчалар маънан, яъни қалбадаги биз билмас қўз ила идрок этилади.

Нафснинг турли ҳолатлари бор. Бу ҳолатларни ва унинг оқибатларини барпо қилувчилар айти нафсларга масъул шахсиятларнинг ўзларидир. Савоб, саховат, ҳалол, адолат, ҳилм, ибодат, меҳр-шафқат сингари ҳамма яхшиликлар шу амаллар эгасининг нафсини поқлайди, хайрли оқибатлар томон бошлайди. Гийбат, ҳасад, қибр, нифок, ёлгон, зулм, зино, таъма, ҳаром қаби барча ёмонликлар шу амаллар эгасининг нафсини қирлайди, турли балоларга дучор қилади. “Шамс” сурасида қимқи ўз нафсини поқласа, ютукка эришиши (9-оят), қимқи ўз нафсини қирласа, ноумид бўлиши (10-оят), икки дунёда ҳасратга учраши айтилади.

“Ва маломатчи нафс билан қасам” (“Қийаама”, 2-оят). “Эй, хотиржам нафс!” (“Фажр”, 27-оят). “Ва ўз нафсимни оқламайман. Албатта, нафс, агар Роббим раҳим қилмаса, ёмонликка ундовчидир...” (“Юсуф”, 53-оятдан). “Ва нафс билан ва унинг муқаммал қилиниши билан қасам” (“Шамс”, 7-оят).

Ўз сохибини доимо тергаб, тафтиш килиб юрувчи (“маломатчи”) ва хар хил шахватлардан голиб, саломат (“хотиржам”) сифатли бу нафслар мўмин-мусулмон инсонларнинг нафсларидир. Аллох каломида нафснинг мазкур холатлари макталмокда, улугланмокда. Живланмаган, турфа хуржлар килиб, ўз эгасини ўзига тамом тобеайлаган ёмонликка амр килувчи нафс кораланмокда.

Хар кандай холатларда ҳам нафсни инсон мохиятида такдир килиб уни улкан синов килиб кўйган Зотнинг ўзи рахим килмаса, бандада на нафс ислохи, на унинг покляниши рўй беради. Комилликка эса инсон исломдаги энг катта жихон – нафсга карши жиходсиз эриша олмайди.

Инсоннинг баркамол бўла олишига кувватли, салохиятли, имкониятли килиниб, мукамал ато этилган нафс билан ва маломатчи нафс билан касам ичилиши, хотиржам нафсга хитоб килиниши бандага бу борада кандай катта имтихон борлигини, Яратган хузурида нафс холату макомларининг нечоғлик эътиборга моликлигини идрок эттиради.

Бевосита нафс мавзуида нозил бўлган оятларгина эмас, бошка ояти карималар ҳам ўз маънолари, хикматлари билан нафс хакикатига дахлдорлик касб этади. Нафс хакидаги хакикий таълимотни инсониятга Куръони Карим, хадиси шарифлар такдим этди.

Шунингдек, рухий тарбия илми устозларининг бу бобдаги китоблари, хаёт тарзларидаги улкан ибратлари ҳам авлодларга нодир, бетакрор мактаб бўлиб колди.

Нафснинг асл мохиятини идрок этиш, унинг тарбияси, ислохи, назорати, мухофазаси, коидалари инсон учун осон бўлмаган, шарафли. Бир умрлик вазифадир. Нафсга доир таълимот асосларини чукур билиш, илмда, касб-корда, муомала-муносабатларда – барча сохада нафс покляги, тазкиясигариояда бўлиб яшаш хар бир инсонга ниҳоятда мухимдир.

Ўзгалар билан хаётий муомала-мулокотда ҳам, савдо-сотик, олди-берди ишларда ҳам, ўз шахсини тааммул, тафтиш килишда ҳам, бинобарин, дунё, инсон манзараларига адабий-эстетик нуқтаи назар билан карашда ҳамда уларни бадий талкин этишда ҳам нафсга доир таълимотда керагича ўрнатилган коидалар чегарасидан чикиб килинган саъй-харакат, нафсга ўта кескин ёки ўта бепарво ёндашув, беасос, ножўя, новазмин муносабат инсонга токатидан ортикни нисбат бериш, масалада хаддан ошиш бўлиб колади. Бундай холлар ўзини зинхор окламайди, макбул саналмайди. Демакки, энг мухими – инсоний токат, салохият доирасида буюрилган даражадаги нафсга муносабат меъёр, мезондир.

Адабиётшунос Иброхим Хаккул ўзининг “Тасаввуф ва Огахий шеърияти” номли маколесида шоир ижодининг тасаввуфий рухи хусусида диққатга сазовор хулосалар чиқаради. Огахий шеъриятида нафсга муносабатнинг накадар окилона эканлигини таъкидлаб, бадий ва илмий талкинларда бот-бот кўзга ташланувчи жиддий бир хатолик хакида шундай ёзади:

“... Маълумки, тасаввуфий хаётдаги бош масала – нафс ва рух муносабати, яъни нафсни хар турли чиркинлик, иллат ва ёмонликлардан тозалаб, рухга таслим этмокдир.

... Лекин бугунги айрим “нафсшунос”ларга эргашиб, нафсдан бутунлай кечиш, нафсни ўлдириш тўғрисида хеч качон сўзламаслик лозим. Нафс ўлдими – одам ўлади. Бу эса худкушликнинг бир тури эрур. Нафсни канча кийнаб, канча азобга гирифтор этманг, тиниб-тинчиш холида ҳам у барибир ўзининг сифатларидан кечмайди...” (“Ўзбек тили ва адабиёти” журналы, 2009 йил, 6-сон, 8-бет).

Зотан, Аллох таолонинг инсон табиатига жо килган, чинакам хакикатини Ўзи биладиган таркибий хоссалардан бири – нафс. Нафсдан батамом холийлик – тириклик

токатидан ташкари хол. Бундай номумкин макомга интилом ва ёки унга чорлов, ундовлар – ўта беҳуда харакат, таълимотдан гофиллик.

Холбуки, Аллох инсонга ҳеч бир масалада унинг токатидан ташкари, зиёда нарсани буюрмайди. Нафс сохиби – инсон ўзини нафсоний ислох қилиб бормоғи, нафсини назорат остида тутмоғи, унинг хоши-истакларини шариат тарозисида ўлчаб, шунга мувофиқларини бажариш харакатида бўлмоғи керак.

Инсон аслан нафсининг риёзатиға, шу орқали эришиладиган солихлик макомларига, хасислик, зикналик, мумсиклик каби холлар билан исрофчилик ўртасидаги макбул хол-мўътадилликка лаёқатли қилинган. Нафс риёзати эса одатдаги табиий эҳтиёж, моддий манфаат, хоши-истаккагина эмас, тил, кулок, кўз, қўл, оёқ сингари аъзолар фаолиятиға ҳам, хаёл, туйғу, ният, ақл, хулқ, тафаккур ва бошқа маънавий харакатларға ҳам бирдек тааллуқлидир. Бадиий адабиётда “нафс”нинг поэтик образ доирасидан очик ёки яширин чиқиб, ижоднинг ҳамма масалаларига дахлдорлик қасб этиши шундан. Яссавийнинг шеърлари хар жихатдан ҳақ таълимотларни таъсирчан таратишға, тўғри эътиқодда бардавом яшаш тарғиботиға қаратилганлиги боис шу йўлга зид, номувофиқ хар қандай иллатни: гафлат, жаҳолат, разолат, зулм-зулмат, ботил амални энг дақик томонларига ҳақ қилиб, қоралайди. Унда нафс мавзуи тақво, ибодат, ошиқлик, Ҳақ жамолини орзуласи, тавба, одамларға яхшилик, етим-есиру бева-бечораларға меҳрибонлик гоёлари сирасида талқин этилади.

Зохиран, бу шеъриятда нафсининг мавкеи ўзға масалалар талқиниға қараганда қам салмоқли. Ботинан эса унинг гоёвийлик қўлами қатта – барча холатларнинг замириға сингишиб қетган. Ва яна сиртдан қараганда, Яссавийдаги нафс образи – асосан танбех, танқид, қораловға маҳкум нафс. Матлуб ва ибрат олишға сазовор нафс ҳикматлар лирик қахрамонининг нафсоний риёзатлари ифодасидан ҳосила сифатида идрок қилинади. Демак, Яссавийни ўрганаётганимиз масала бўйича англашда талқинларининг таълимотларға мувофиқлигини, риёзатлар туфайли қокланаётган нафсни, қомиллик талабидаги одамнинг ўз нафсига муносабати нечоғлик бўлмоғи жоизлигини, тана қўзи ила қўрилувчи жасаддан қўра, қалб қўзи ила идрокланувчи нафс масъулиятининг улуглигини ҳислаш муҳимдир.

Собик шўро тузуми адабиётшунослиғида дейний руҳдаги адабий мерослар қаторида Яссавий ҳикматлари қескин танқид қилиниб қелинди, зарарли гоёлари қўп шеърият сифатида баҳоланиб қелинди. Истиклол йилларида асрлар оша қелаётган ҳалқона эътироф тикланди. Шунга қарамай, ҳозирғача бўлган бу шеърият талқиншунослиғида неғадир асосий таъқидлар, эътиборлар нафсининг қоралануви ифодасига қаратилади ва қўпинча сиртдан ҳулосалар қикариш билан қекланиб қолади. Яссавийнинг нафсни душман санаш даражасини таҳлилларда ҳаддан ортик бўрттириб қўрсатиш мақсадға мувофиқ эмас. Шунингдек, шеърларининг дақик маъноларини, ошқор айтилувчи ва тааммул орқали анланувчи гоёларини тўғри аниқламай туриб, уни муносиб баҳолаб бўлмайди.

Яссавий асарларининг ҳикматлар сифати билан эъзозланиб қелиш сирини нимада? Бу, аввало, ҳақ эътиқод қишисининг жамоки масалаларда ийманий тафаккур қилиш тарзидадир. Шеърларини ҳикматларға айлантирган бош омил ҳақ қўрсатмалар, тавсиялар, амрларни, уларға муносабатни, ўз ҳаётиға таълимотлар тадбиқини тараннум этишидадир. Ҳикматларда буюрилганидан ортик ё қам нуқтаи назар аломатлари қўзға ташланмайди. Нафсдан батамом қутилишға даъватқорлик йўқ. Нафс тақзиясининг назорати, жаъоси, ислохи қабиларнинг ўринли тарғиби бор. Ўз эғасининг аслини хар

зумда йўлдан оздиришга хозир, ёмонликка ундаш пайида турувчи, турфа шзга кшчаларга бошлаб, дунё учун зиёда уринтириб, ўзликни ўтга-чўкка урдириб, окибатда ишларни хабата, амалларни ботил бўлдирувчи нафс тавсифланади. Номаргуб холатдаги айни нафсга каршилиқ тўйгусининг баъзида ўта беаёвлиги эса шеърий ифода санъатига хос кўтаринкилик такозалари туфайли хамдир.

Хикматларнинг тагмаъно, таггоялари теран тааммул этилса, уларда хамма холатлардаги нафслар хам инкор этилмаётганини, нафсдан буткул халос бўлиш, кутулиш кутилмаётганини англаш кийин эмас. Ислом таълимоти бўйича, кимки шахватлардан бирини тарк этса, унга риё офати келмоги мумкин. Таквони кучайтираман деб, емакларини хаддан зиёд камайтириш жохилликка етаклайди. Очликни мадх этиб бўлмайди. Бундай кайфият таргиби ўлимга чорлаш, тушкунликка бошлаш, Аллохга ширк келтириш – исломга ёт бир зарарли караш бўлиб қолади. Яссавий умргузаронликдан унумли фойдаланиб қолишни насихат қилади:

Тирикликда дин навбатин яхши ургил,  
Охиратнинг асбобини мунда кўргил.

Лирик қахрамоннинг бош муддаоси – нафсни поклаш, ахлоқни сайқаллаш. У “Шамшири Хакни кўлга олиб, нафсни чопса хам”, “Тиги ботин бирла нафсни янчса хам”, ўзини хуружлардан озод ва қафолатланган хисобламайди. Ана шу поэтик рух тирик инсондаги доимий хослик, унинг аслияти, табиатига талаб ва юксак умумбашарий фазилатдир.

Дархақиқат, инсон нафси мудомий ислохга, назоратга, тарбия ва муҳофазага муҳтож. Бу ишларга унинг соҳиби масъул қилинган. Нафсдан воз кечиб бўлмайди. Уни поклаб боришнинг, ахлоқни сайқаллашнинг (муробатанинг) эса ўзига хос йўл-йўриқ, макомлари борки, шу нуқтаи назардан кузатилса хам, Яссавийнинг нафсоний масалаларни қанчалик васатий, донишона хал этганлиги равшан бўлади.

Инсонга ўз нафси билан шартлашишни ҳар тонг янгилаб туриш (мушората), нафсни доимий хушёрлик ила кузатиб бориш (муокаба), уни амаллардан сўнг хисоб-қитоб қилиш (мухосаба), қамчилиги учун жазолаш (муокаба), нафс зиммасига турли оғир вазифаларни юклаш (муҳожада), нафсни кўрқитиб қўйиш (муотаба) макомлари мавжуд. Буларнинг барчасида – нафсга қарши жиҳод, муҳорабаларда инсон қойим, собит турмоги, Аллохнинг Ўзидан узлуксиз ёрдам сўраб яшамоги жоиз экан:

Тарикатда турлук адаб билмагунча,  
Нафси бирла муҳораба қилмагунча,  
Ишк йўлига ўзни лойиқ этмагунча,  
Хақиқатнинг сирларини билса бўлмас.

Қул Хожа Аҳмад, нафсдин улуг бало бўлмас,  
Еру қўқдин туъмо берсам, ҳаргиз тўймас,

Кўлум тутуб йўлга солгил, анталходий.

Ўз холига кўйиб берсанг, нафс нималар демайди, нималарни тиламайди?! Райига карасанг, “юз минг таом” тилайди. “Хар не хосил бўлса, оз”, дейди, хар турли даъволар килишдан чарчамайди. Нафснинг хаддан ошиш манзаралари кўп: тилнинг гийбатдан тийилмаслиги, ўзгаларнинг ботил, бўхтон гапларини эшитиб, хайрихох бўлиб юришлик, фойдали-фойдасиз ишларни фахмлай умр ўтказиш, ўзни халол кўрсатиб, харомхўр бўлиб яшаш, Хакка ошиклик даъвосини килиб, иймонини “пучак пулга сотишлик”... Булар бари шум нафснинг ишларидир. Нафсни кўлга олай десанг, “ёбон кушдек кўлга кўнмас”. У тугён килдими, эгасини тинимсиз югуртади, итдек кездиради. Окибат укубат, азият келтиради. Хакдан тўсиб, хоритади. Шунинг учун бу “такаббурни ерга уриб босиб” олмок, “бошига юз минг бало кармаб солмок” керак. Нафсни даволаш Аллохни кўп зикр этиш (“Аллох ёдин айта-айта илло бўлдим”) билан, Расуллох суннатларига каттик амал килиш (“Суннатларин махкам тутиб уммат бўлдим”) билан бўлади.

Хадиси шарифларда мархамат килинадикки, ўз нафсини тергаган ва ўлимдан кейинни кўзлаб амал килган одам – сезгир, хавойи нафсга эргашиб, Аллохдан турли нарсаларни орзу килаверадиган одам – гофил, ожиз. Банданинг нафси токи хак таълимот кўрсатмаларига мувофиқлик касб этмагунча унинг мўмин бўла олмаслиги мукаррар. “Дунёнинг мухаббати хар бир хатонинг бошидир”. “Динор ва дирхам бандаси бадбахтдир”.

Ўз нафси, ўз манфаатига кул одам “нафс бандаси” дейилади. Бундай куллик, Аллохни эмас, хавойи нафсни ўзига илох килиб олиш демакдир. Залолатга кетишлик хам асосан хавойи нафс хохишларига шўнгиб яшашдан келиб чиқади. Залолат боткогига ботганлар тириклик факат шу дунёдаги яшашимиздир, яъни, тугиламиз, яшаймиз, ўлиб кетамиз – бошка ҳеч вако йўк, деган ботил хулосада юришади. Илохий буюрилган тўгри йўл қолиб, хавойи нафслари етаклаган йўлдан юрганликлари учун залолат ахли Аллохнинг Ўзи томонидан адаштириб кўйилган. Кулоклари тўгри йўлга даъватни эшитмайдиган, калблари иймон нурини қабул қила олмайдиган, кўзлари ибратларни кўролмайдиган килинган – илохан мухрланган. Куръони Каримнинг “Жосия” сурасида Аллох таоло айтади:

“Айтинг-чи, хавойи нафсини илох килиб олган, Аллох уни билиб туриб залолатга солган ва кулогига ҳамда калбига мухр босиб, кўзига парда тортиб кўйган кимсани Аллохдан бошка ким хидоят қила оладир?! Эсламайсизларми?!” (23-оят).

Ислом каноатни буюради. Инсон нафсга оид таълимотлар тарбияси, нафснинг поклиги йўлидаги доимийамалий харакати, хавойи нафсга карши жиходи оркали бу юксак фазилат-каноат сохиби бўла олиши мумкин. “Ким мусулмон бўлиб, ризки учма-уч бўлса ва Аллох унга каноат берса, батахкик, нажот топибди”, дейилади Термизий ва Муслим килган ривоятда.

Асосида исломий эътикод турган неча-неча юз йиллик бадий адабиётимизда, бинобарин, рухоний хакикатлар куйчиси Яссавий ижодида ҳам хавойи нафснинг кескин кораланиши, нафсга карши жиходга чакирилиши, каноатнинг улугланиши бежиз эмас. Шоир Икром Отамурод ўзининг “Кўхна садолар” туркумига кирган “Яссавийни ўкиб...” шеърида улуг шоир ижодида бош поэтик образ бўлмиш нафснинг талкинидаги барча замонларга замондошликни куйидагича фалсафий-эстетик идроклайди:

“Тарикдай наф йўлинда мукка тушиб ётгонлар”,  
“Кўксига бино курган нафсни йиколмогонлар”,  
“Назари паст, этаги лойга ботиб юргонлар”,  
“Яссавийга хеш эмас, хазратга элдош эмас”.

Ислонинг нафсга доир таълимотларида мавзунинг катта-кичик жамики масалалари аклни лол колдирувчи даражада мукамал мужассам. Айни чокда, хар бир асосий ёки ёрдамчи масаланинг таъриф-тавсифи, мазмун-мезони, хукми-ечими нафс мавзусига мантикан такалувчан ўзга тушунчалар билан бетафовутлигига, улар ила чинакам уйгунлигига кўра тафаккур эгаларини ожиз колдириб келади. Бу таълимотларнинг барчасига кайси жихатдан караманг, уларда васатий рух, васатий мантик хукмрон. Чунончи, хам моддий, хам маънавий маънолари кўламдор бўлган “нафс” хакикатини унинг атрофидаги худди шундай мохият микёси кенг “иктисод”, “исроф”, “саховат”, “хасислик”, “хасад”, “хавас”, “ризк” сингари тушунчаларнинг тўгри идрокисиз фахмлаб бўлмайти.

Исроф тушунчасини бир мулохаза килиб кўрайлик. Гарчи исроф деганимиз инсон борлигининг хамма жихатига тегишли гоят камровдор сўз бўлса-да, афсуски, кўпчилик уни моддий неъматларни нотўгри сарфлаш, нималарнидир истеъмолга яроксиз килиш маъносидагина тушуниб, ўзларини шу томондан хушёр тутишга харакат килади. Вахолангки, маънавий неъматлар исрофининг янада мудхишлигини англаш ва бу жабхадаги хушёрлик ислондаги улкан талаблардан бири эканлигини кам эслайди. Исроф маънавий, ахлокий неъматларга такалганда хам ниҳоятда сертаркибдир. Маънавий исрофнинг ёхуд исрофсизлик (иктисод, тежам)нинг кўринишлари инсон огзаки ва ёзма нуткида у ёки бу даражада намоён бўла бориб, турли окибатларни юзага чикаради.

Аллох ато этган хар бир моддий ёхуд маънавий саноксиз неъматнинг исроф килиниш хавфи бир умр ва хар кадамда мавжуд. Инсон бунини мулохазалаб боришда ва тадбирини тўгри килишда бардавом бўлмоги керак.

Ишк богини мехнат тортиб кўкартмасанг,  
Хорлик тортиб шум нафсингни ўлдирмасанг,  
Аллох дебон, ичга нурни тўлдирмасанг,  
Валлох-биллох сенда ишкнинг нишони йўк.

Яссавий издошларидан бири Сўфи Оллохёр ўзининг “Сабот ул-ожизин” асаридаги “Нафси шум баёнида” номли фаслда нафсининг холатлари, уларга муносабат макомлари, нафсининг жазосию даволари хусусида мухтасар шундай дейди:

Ўзинг паст айласанг, нафсинг забардаст,  
Бошинг чайноб солур чун уштури маст.  
Бурунга боди кибр эсмай бурундин,  
Бурундук сол анга кўпмай бурундин.  
Риёзат бандига беркит оёгин,  
Кўтарма бошидин такво туёгин.  
Йикилиб колмогудек бер емишни,  
Зиёда айла камдан-кам каттик ишни...

Яссавий ўз шеърларини элу юртга ўз шахсий ахволининг баёни, умр йўлларининг “хасбу холи” сифатида такдим этган. Ундаги эътикодга масъуллик туйғусининг зўр куввати, поэтик тафаккурини нурлантирган таълимотларнинг илохий салохияти туфайли шеърлари ўз зохирий ва ботиний маънолари ила илгор, солих умумга хос инсоний ахволларнинг хасбу холига айлана олди. Шеърларини хикматлар даражасига кўтарган асосий омиллар хам шулар эканлиги шубхасиздир.

Ўтмиш адибларимизнинг нафс бобидаги поэтик талкинларидан келиб чиқадиган яна бир улкан умуминсоний хулоса шуки, кимда нафсга мўътадил ёндашув бузилса, шахсият бузилади. Жамиятда нафсининг таълимотларда ўргатилган меъёрларидан у ёки бу томонга огишувлар оммалашса, мувозанат бузилади, жамият издан чиқади. Нафсни иймон талаблари доирасида ушлаб туриш олий мавке ва олий макомдир.

Тохир Шермурод. “Таълим боскичларида Алишер Навоий хаёти ва ижодини ўрганиш”  
мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари, Тошкент, ТДПУ  
2011-йил 8 феврал